

ОБУНА ҲИСОБ-ШАРТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

«01» февраль 2022 йил

Устав асосида иш кўрувчи, матнда “Бажарувчи” деб юритилувчи “Yangi O‘zbekiston” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти давлат унитар корхонаси томонидан Бош муҳаррир С.М.Дониёров ва матнда “Обуначи” деб юритилувчи ТД ЮУ номидан профессор А.И.Исмаилов мазкур ҳисоб-шартномани қуйидагилар тўғрисида тузди:

- Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” “Обуначи”га қуйида номлари кўрсатилган нашрларга обуна уюштириш ва «Обуначи»нинг иш манзилига етказиб бериш, “Обуначи” обуна ҳақини олдиндан тўлаш мажбуриятини олади:

Индекс	Нашр номи	Бир нусхасининг йиллик нархи	ҚҚС 15%	Жами:	Обуна миқдори (неча нусха неча ойга)	Умумий сумма
236	“Yangi O‘zbekiston” газетаси (11 ойлик 231-сон, А2 форматда 6 саҳифада Рангли ўзбек тилида ҳафтада 5 марта чиқади.) Газеталарни етказиб бериш харажатлари билан	770154	115523,1	885677,1	100	88567710
Жами сумма:						88 567 710

2. «Обуначи» нашрларнинг исталган турига ўзи истаган миқдорда ёзилиш, нашрлар етказиб берилмаган тақдирда, ўз вақтида етказиб берилишини “Бажарувчи”дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

3. «Обуначи» нашрлар учун мазкур шартноманинг 6-бандида кўрсатилган 100% олдиндан тўловни амалга ошириш, шартномани бир нусхасини “Бажарувчи”га қайтариш мажбуриятини олади.

4. «Бажарувчи» нашрлар учун олдиндан ҳақ тўланишини талаб қилиш, тўлиқ тўлов амалга оширилмаган ёки нашрларни етказиб бериш манзили аниқ кўрсатилмаган тақдирда нашрларни етказиб бермаслик ҳуқуқига эга.

5. «Бажарувчи» «Обуначи»га нашрларни белгиланган муддатларда етказиб бериш, обуна нашрлари ўз вақтида етказиб берилмаганлиги оқибатида «Обуначи»га етказилган зарарни тўлаб бериш мажбуриятини олади.

6. Шартноманинг умумий баҳоси **88 567 710** (саксон саккиз миллион беш юз олтмиш етти минг етти юз ўн) сўмни ташкил этади.

7. “Обуначи” обуна нашрлари учун 100% фоиз миқдорида “Бажарувчи”га олдиндан ҳақ тўлайди. Тўлов миллий валютада банкдан пул ўтказиш йўли билан (нақд пулсиз тартибда) амалга оширилади.

8. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йул қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

9. Обуна нашрларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда “Бажарувчи” “Обуначи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,05 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган обуна нашрлари қийматининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

10. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

11. Сув тошқини, зилзила, табиий офатлар, томонларнинг фаолиятига доир Ҳукуматнинг тақиқловчи қарор, қонун ёки фармойишлари чиқиши, шунингдек, шартнома томонларининг ўзларига боғлиқ бўлмаган тарзда мажбуриятларини бажара олмасликлари форс-мажор ҳолатлар саналади. Шартнома шартларининг тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги форс-мажор ҳолати туфайли келиб чиқиши узрли деб ҳисобланади.

12. Мазкур шартнома бўйича келиб чиққан келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал қилинади. Томонлар ўзаро келишувга эришмасалар, низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида Суд тартибиди ҳал этилади.

13. Мазкур шартнома 2 нусхадани тузилди ва томонларга бир нусхадан берилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

14. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

“БАЖАРУВЧИ”	“ОБУНАЧИ”
<p>ДУК “YANGI O‘ZBEKISTON va «ПРАВДА ВОСТОКА» газетаси таҳририяти Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32 уй СТИР: 201 140 445 Х/р: 20210000600127012001 Банк: АТИБ“Ипотека банк” Мехнат филиали. МФО: 00423 ОКЭД: 58130 Телефонлар: 8371 233-08-83</p>	<p>Манзил: _____ Банк: _____ Х/р: _____ МФО: _____ ОКЭД: _____ Телефонлар: _____</p> <p>Ташкилот: TOSHKENT DAVLAT YURIDIK UNIVERSITETI Манзил: TOSHKENT SHAHAR, SAYILGON KO'CHASI 35-UY O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI Х/р: H/r: 2340 2000 3001 0000 1010 STIR: 201 122 919 МФО: MB TOSHKENT SH. HKKM MFO: 00014 ОКЭД: H/r: 400910660262667004100009002 СТИР: STIR: 201 122 340 IFUT-85420</p>
<p>Бонд муҳаррир _____ М.У. _____ С.М. Дониёров</p>	<p>Раҳбар: _____ М.У. _____</p>

* Тўлов топшириқномасида шартнома рақами, алоқа телефони кўрсатилиши, шартноманинг 1 нусхаси «Бажарувчи»га қайтарилиши лозим.

Юридик консулт
З.Хасенов

2022 йил "1" феврал
15/01 - сон шартномага 1 - илова

Коррупцияга қарши курашиш бўйича

АСОСИЙ ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Тошкент давлат юридик университети ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф Тошкент давлат юридик университети ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат фактлар дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“71 233 42 09” ишонч телефони;

Telegram-канали (@tsulantikorbot);

Тошкент давлат юридик университети расмий веб-сайти (www.tsul.uz) да жойлаштирилган шакл ёки электрон почта (info@tsul.uz).

Ижрочи:

_____ / _____



Буюртмачи:

_____ / _____